

ЯНГИ АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ИННОВАЦИОН ТАВСИФИ СИФАТИДА

Жалилов А. А.

Навоий давлат педагогика институти доценти

Аннотация

Бугунги кунда мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Туб ислохотлар жамиятимиз ва иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмақда. Жумладан, олий таълим тизимида ҳам ана шундай жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб, илғор хорижий тажрибалар асосида инновация жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан хорижий ва МДХ давлатларининг нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан алоқалар кенгайиб, уларнинг бир нечтасининг филиаллари (И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университети Тошкент филиали, Латвия Ахборот тизимлари менежмент олий мактабининг Фарғона филиали, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университетининг Самарқанд филиали ва бошқалар) юртимизда ташкил этилган.

Калит сўзлар: ахборот, таълим, инновацион, замонавий, сифат

Жаҳон тажрибасида олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнига интерактив дастурий воситалар, масофавий таълим шакллари кенг татбиқ этиш, очиқ таълим ресурслари, аралаш таълим (online,/offline) технологияларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда. Копенгаген Декларациясида аниқ ва табиий фанларни ўқитишда таълим хизматларни визуаллаштириш ва ахборот–коммуникация технологиялари ютуғларини татбиқ этиш орқали таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, таҳлилий натижаларни умумлаштириш ҳамда хулосалаш механизмларининг амалиёти алоҳида ўрин тутди.

Жаҳонда аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг методик ташкилий –асосларини ва ахборот –коммуникация технологиялари негизида интерактив электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини технологиялаштириш мақсадларига қаратилган илмий тадқиқотлар салмоғи сезиларли даражада ошмоқда. Хусусан олий таълим муассасаларида бўлажак педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали ташкил этишда инновацион электрон таълим муҳити шароитида амалий ва лаборатория машғулотларида, шуниндек талабалар мустақил ишларини ташкил этишда интерактив электрон таълим тренажёрларини қўллашга оптимал ёндошув билан боғлиқ илмий ишланмалар кўламини ошириш зарурати яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг 4.4 – “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бандида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро

стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” масалаларини ҳал қилиш назарда тутилган

Бугунги ахборотлашган жамиятда инсон капитали мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий омилига, шунингдек глобал рақобат предметига айланмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиздаги таълимга оид барча асосий меъёрий ҳужжатларда белгиланган таълимнинг устувор аҳамиятини кўрсатади.

Замонавий таълимнинг асосий хусусиятларидан бири бу унинг инновационлигидир. Инновация (ёки янгилик киритиш) - деганда қандайдир янгиликни (янги метод, восита, технология) ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш тушунилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг инновацион ижтимоий-йўналтирилган ривожланиш моделига ўтиши унинг геосиёсий ролини мустаҳкамлашнинг ягона йўли деб тан олинган.

Мамлакатимизнинг 2030 йилга қадар инновацион ривожланиш стратегиясида таъкидланишича, аҳамиятлилиги ва миқёси жиҳатидан таққосланадиган ушбу ривожланиш турининг асосий вазифаси барча инновацион ўзгаришлар субъекти сифатида фуқороларда инновацион шахс компетенцияларини шакллантириш учун шароит яратиш ҳисобланади. Инновацион шахс - деганда ўзгаришларга тайёр ва унга мослаша оладиган инсон тушунилади. Инновацион жамият аъзолари эга бўлиши керак бўлган асосий компетенциялар деганда, уларнинг узлуксиз таълим олишга, доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштиришга, мустақил таълим олишга тайёрлиги ва қобилияти, мустақил ишлаш кўникмаси тушунилади.

Таълимнинг замонавий ривожланиш босқичи янги назария ва амалиётларни қидириб топиш билан тавсифланади. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида инновацион янгиликларни яъни бевосита анъанавий усулларга таянган ҳолда таълим тизимининг янги тенденцияларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади. Таълимга қизиқиш ва натижада олий таълим муассасаларида талабаларнинг фаоллиги таълим жараёнининг самараси ва самарадорлигининг яхшилашининг муҳим омилдир, чунки у давлатнинг ривожланишини рағбатлантиради, таълимнинг мазмунини эгаллашга қаратилган изланишлар ва ижодий ёндашув ҳамда мустақил таълимга олиб келади. Ҳозирги пайтда жамиятнинг ўқитувчи кадрларга бўлган талаби ортиб бормоқда, ўқитувчининг фаолияти ва унинг мазмуни танқидий, ижодий ривожланишни татбиқ этилиб, илм-фан ютуқлари ва илғор педагогик тажриба орқали модернизациялашга олиб боради.

Таълимнинг мақсади - ўқув жараёнини жадаллаштириш, таснифлаш, ўқув жараёнини шахсга йўналтириш, таълим ва тараққиёт, таълим олувчиларнинг янги таълим технологияларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш орқали таълим сифатини сезиларли даражада яхшилашдир.

Бугунги кунда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари педагогик инновацияларнинг асосий манбасига айланмоқда. Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири бўлиб саналади.

References

1. Sayfullayeva Gulhayo Ixtiyor qizi Namozova Nilufar Tuxtamurodovna Astronomiya fanini o'qitishda elektron darsliklarning o'ziga xos xususiyatlari va afzalliklari// Journal of Universal Science Research 1 (10), 873-877
2. Н Намозова, Г Сайфуллаева Астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимнинг фаолиятли тузилмаси// бюллетень педагогов нового Узбекистана 1 (7), 21-23
3. Aziza Bozorova, Gulhayo Sayfullayevakredit-Modul Ta'lim Tizimida Talabalarning Mustaqil Ta'lim Jarayonini Tashkil Etish// Бюллетень студентов нового Узбекистана, 2023
4. Н Намозова мактаб астрономия фанига интеграциялашган медиатаълимдан фойдаланиш //TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN, 2023
5. Haydarova Dilorom, Sayfullayeva Gulhayo python dasturida astronomiyadan animatsiya yaratish // Journal of Universal Science Research, 2023
6. Haydarova Dilorom, Sayfullayeva Gulhayo ways to effectively organize speech culture of the astronomy teacher// FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA, 2023
7. Q Surayyo, X Sevinch, S Gulhayo Astronomiyada ishlatiladigan amaliy innovatsion dasturlar haqida asosiy tushunchalar va ularning imkoniyatlari //Journal of Universal Science Research, 2023
8. H Dilorom, S Gulhayo Teaching methodology of the subject" motion, phases and periods of the moon".// JOURNAL OF ENGINEERING, MECHANICS AND MODERN ARCHITECTURE
9. Shodiyev Hamza Rozikulovich Sayfullayeva Gulhayo Masofaviy ta'limda yer mavzusini integratsion yondashuv asosida topish metodikasi Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences (JARTES) VOLUME 1, ISSUE 10 / ISSN 2181-2675
10. G. I. Sayfullayeva, N.T. Namozova // Fizikani o'qitishda keys- stadi metodining echimi va tahlili qilish varianti// Central asian research journal for interdisciplinary studies 2022 y
11. G. I. Sayfullayeva, H.R. Shodiev // Masofaviy ta'limda Yer mavzusini integratsin yondashuv asosida topish metodikasi Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences (JARTES) 2022 y
12. G. I. Sayfullayeva, S.X. Mirzaqandova // The solution and analysis option of the case studies method in teaching the subject of kepler's laws from astronomy// Neuroquantology | october 2022 | volume 20 | issue 12 |page 3170-3174| doi: 10.14704/nq.2022.20.12.nq77320
13. G. I. Sayfullayeva, O'.K. Sunnatova // Astronomiyadan Kepler qonunlari mavzusini o'qitishda Keys-stadini metodini echimi va tahlil qilish varianti //International Conference on Developments in Education Hosted from Toronto, Canada <https://econferencezone.org> 27th Nov. 2022
14. G. I. Sayfullayeva, S.Q. Qahhorov // Fizika va astronomiya fanini o'qitishda integratsiyalashgan yondashuv// Fizika fanini axborot va innovatsion texnologiyalar muhitida o'qitishning zamonaviy tendensiyalari: Muammo va yechimlar mavzusidagi Respublika ilmiy- amaliy anjumani 24- noyabr 2022
15. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // Quyosh sistemasi va Quyosh mavzusini STEM ta'lim tizimidan foydalanib o'qitishning afzalliklari // Development and innovation scientific online journal 2022 y
16. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // STEM ta'lim tizimidan foydalanib Quyosh sistemasidagi sayyoralar mavzusini o'qitish// Development and innovation scientific online journal 2022 y
17. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // Astronomiyadan STEM dasturidan foydalanib quyosh soati mazusini o'qitish// Yosh tadqiqotchi jurnali 2022 y

18. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // Teaching the subject of the heliocentric theory of the universe using the stem education system// Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences 2022 y
19. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // Astronomiya fanini o'qitishda STEM ta'lim tizimining roli va ahamiyati // Pedagog respublika ilmiy jurnali 2022
20. G. I. Sayfullayeva, A.M. Bozorova // Astronomiyada STEM dasturidan foydalanib yulduzlar osmonining surilma xaritasi mavzusini o'qitish// Pedagog respublika ilmiy jurnali 2022 y
21. O'. K. Sunnatova, G. I. Saifullayeva Research in students in physics and astronomy classes and the development of competencies of the XXI century. Ways of organizing project activities of students in physics education Uzbek Scholar Journal Volume-24, January, 2024 www.uzbekscholar.com 101-108
22. Sayfullayeva Gulhayo Ikhtiyor kizi, Bozorova Aziza Murodilla kizi The practical importance of an integrative approach to teaching astronomy from a small school age uzbek scholar journal volume- 24, january, 2024 www.uzbekscholar.com 130-133
23. Saifullayeva Gulhayo volunteer daughter Interactive Applications From Astronomy And Ways To Manage Them Uzbek scholar journal volume- 24, january, 2024 www.uzbekscholar.com 123-129
24. Sayfullaeva Gulkhayo Ikhtiyor kizi METHODOLOGY OF APPLYING MATHCAT, MAPLE MATHEMATICAL PACKAGES TO PRACTICAL COURSES FROM ASTRONOMY SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 3 MARCH 2023 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ
25. Malikova Muhabba, Sayfullaeva G.I. MODERN FORMS OF ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 1 JANUARY 2024 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ
26. Sayfullayeva Gulkhayo Ikhtiyorovna, Bozorova Aziza Murodullaevna THE USE OF STEAM TECHNOLOGY IN LABORATORY CLASSES IN PHYSICS AND ASTRONOMY SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 11 NOVEMBER 2023 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ
27. Rashidova Nilufar Normurodovna, Saifullayeva Gulhayo Ikhtiyor Kizi ADVANTAGES OF INDEPENDENT EDUCATION IN THE CREDIT-MODULE SYSTEM SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 2 ISSUE 12 DECEMBER 2023 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337 | SCIENTISTS.UZ
28. G. I. Sayfullayeva, H. R. Shodiyev KREDIT MODUL TIZIMIDA FANLARNI INTEGRATSION YONDASHUV ASOSIDA O'QITISHNING AFZALLIKLARI Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 9 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1